**2014 йил – Соғлом бола йили**

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 3 январь • № 1 (970)

*Байрам шукуҳи*

## БОЛАЖОНЛАРИМИЗ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ



***Болажонларимиз Янги йил, безатилган арча атрофидаги Қорбобо, Қорқиз, эртак оламидаги ажойиб қаҳрамонлар, бир-биридан қизиқ томошаларни катта қувонч ва ҳаяжон билан кутади. 2014 йил ҳам улар учун ана шундай унутилмас лаҳзалар билан бошланди.***

***Айниқса, Мустақиллик майдонида қад ростлаган баланд арча атрофида жўшқин куй-қўшиқлар, театрлаштирилган томошалар ҳар бир болажон қалбига олам-олам қувонч олиб кириши шубҳасиз. Камалакранг чироқлар, заррин безаклар, турли аттракционлар, арғимчоғу, мўъжаз ўйинчоқлар фарзандларимиз хизматида. Албатта, бундай гўзал манзаралар нафақат пойтахтимиз, балки юртимизнинг барча гўшаларида ўз ҳусну тароватi билан болажонларимиз қалбини янада завққа тўлдирмоқда. Ёрқин чироқлар нурида безаклар билан товланаётган бундай масканлар оқшом чоғида жозибали, фусункор манзара кашф этаётганлиги кишини ҳайратга солади. Қувончи ичига сиғмай ўйнаётган болалар, уларга мамнун боқиб турган ота-оналарнинг юз-кўзидан мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, тинч ва фаровон ҳаётимизни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида ўз ифодасини топганлиги қувонарли ҳолдир.***

## ШОД АЙЛАГИН ОРЗУМАНД КЎНГИЛЛАРНИ

Янги йилим, сен янгилик тимсоли,
Қаҳратонда кулган баҳор мисоли,
Шодлик осмонининг ёрқин ҳилоли,
Янги орзу, янги бахтлар олиб кел!

Ниятларинг покиза, оппоқ қордай,
Кўркам арчанг безанган гулгун ёрдай,
Қувончимдан бу ёруғ олам тордай,
Янги севинч, янги аҳдлар олиб кел!

Мушкуллар ҳам топаверсин кушойиш,
Юртим бундан зиёд кўрсин оройиш,
Элда бўлсин хотиржамлик, осойиш,
Янги омад, янги нақдлар олиб кел!

Шод айлагин орзуманд кўнгилларни,
Кўрсин сендек неча Янги йилларни,
Яқин этгил бахт деган манзилларни,
Истакларга ижобатлар олиб кел!

**Баҳодир ОБИД.**

*Туҳфа*

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган эзгу ишлар самаралари ҳар томонлама баркамол, жисмонан соғлом бўлиб вояга етаётган ёш авлод ҳаётида, шу билан бирга болаларга тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган тиббий муассасалар, марказлар фаолияти янада такомиллашаётгани, замонавий қиёфа ва шароит касб этаётганида ҳам намоён бўлаётир.***



Болалар саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлида самарали фаолият олиб бораётган **Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида** замонавий шарт-шароит ва жаҳон андозаларига мос тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга янги бино фойдаланишга топширилди. 2014 йил – Соғлом бола йилида вилоят аҳлига байрам туҳфаси бўлган мазкур икки қаватли бинода марказнинг реанимация-интенсив даволаш ва жарроҳлик амалиёти бўлимлари жойлашган.

**ЎзА.**

### Инвестиция дастури амалда

# МАҚСАД: ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА УНИНГ МАНФААТИ

***Мана, 2013 йил билан хайрлашиб, Янги йилимиз ҳам бир олам қувончлар билан кириб келди. Айниқса, Президентимиз томонидан йилимизнинг “Соғлом бола йили” деб номланиши ҳар бир оилага қувонч бахш этган бўлса, тиббиёт ходимлари зиммасига эса янада улкан масъулият юклади, десак муболаға бўлмайди. Дарҳақиқат, ўтган йилда республика тиббиёт тизимида салмоқли ишлар амалга оширилиб, ютуқли натижаларга эришилди. Жумладан, Инвестиция дастури асосида кўплаб шифо масканлари янгидан бунёд этилиб, айримлари қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.***



Бундан ташқари, аҳоли саломатлигини янада муҳофаза қилиш мақсадида “Саломатлик ва соғломлаштириш ҳафталиклари”нинг мунтазам равишда олиб борилганлиги касалликларни эрта аниқлаш, олдини олиш ҳамда халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончини янада орттирди десак, янглишмаймиз. Шунингдек, мутахассисларнинг билим ва малакасини ошириш борасида тизимда тўғри йўлга қўйилган аттестация ва узлуксиз таълим жараёнларининг давомийлиги ҳам бундан мустасно эмас. Агар Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг ҳар бири 2013 йилда ўзига хос муваффақиятларни қўлга киритиб, эндиликда эса 2014 йил иш режаларини бошлаб юбордилар. Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида ҳам ўтган йилда самарали меҳнат қилиниб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада ошди. Соҳада эришилган натижалар хусусида **Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Рустам Юлдашев қуйидагиларни гапириб ўтди.**

– Бугунги кунда вилоят аҳолисига юқори сифатли ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида 10 387 ўринли 59 та шифохона муассасаси, бир сменада – режали қуввати 26 777 қатновга мўлжалланган 353 та амбулатория-поликлиника, 15 та ДСЭНМ, 14 та саломатлик маркази, 410 ўринли 3 та санаторий-профилакторий маскани, 60 ўринли вилоят гўдаклар уйи фаолият олиб бормоқда. Халқимизга 5044 та шифокор, 28 753 нафар ўрта тиббиёт ходимлари малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган йилги фаолиятларимизга эътибор қаратадиган бўлсак, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган изчил ислоҳотлар бошқа соҳаларда бўлгани каби, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ўз натижасини бермоқда. Айниқса, мавжуд тиббиёт муассасалари моддий-техник ҳолатини яхшилаш, уларни энг замонавий тиббий аппаратуралар билан жиҳозлаш бугунги куннинг долзарб масаласига айланган. Вилоятимизда Инвестиция дастури доирасида йўналтирилаётган сармоялар миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, вилоят онкология диспансерида 60 ўринли янги даволаш биноси қурилди ва қолган бўлимлар мукаммал реконструкция қилинди. Вилоят 1-асаб-руҳий касалликлар диспансерида 60 ўринли даволаш корпуси, лаборатория, диспансер бинолари капитал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 100 қатновли маслаҳат-поликлиника биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Республика даволаш-профилактика муассасалари ва ихтисослаштирилган илмий-текшириш институтлари профессор-олимлари иштирокида 2013 йилнинг июнь ва август ойларида Қарши шаҳри ҳамда Нишон, Касби, Косон, Муборак, Гузор, Деҳқонобод, Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб туманларида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида 4000 нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Унда касаллиги аниқланган беморлардан бир қисми республика клиникалари ва тиббиёт марказларига ҳамда вилоят тиббиёт муассасаларига даволанишга юборилди. Ишлар самарадорлигини оширишда ҳамда фуқароларга тўғри ташхис қўйиш ва даволашда энг сўнгги русумдаги технологияларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Республика шошилинч тиббий илмий маркази Қашқадарё филиали ва туманлардаги шошилинч тиббий ёрдам бўлимларига Ислом тараққиёт банки ва Араб иқтисодий ривожланиш банки Қувайт фонди томонидан замонавий партатив УТТ аппарати, компьютер томография, дефибриллятор эндоскопик лапароскоп, дуоденоскоп ва рақамли рентген аппаратлари билан таъминланиши юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин ифодасидир. Ўтган йиллар мобайнида воҳадаги саломатлик марказлари ва тиббиёт бирлашмалари “Саломатлик-2” лойиҳаси томонидан 154,5 млн. сўмлик 167 та компьютер жамланмаси билан таъминланди. Тумандаги кўп тармоқли марказий поликлиникаларга иккитадан ва 26 та ҚВПларга замонавий стоматологик жиҳозлар берилди. Бундан ташқари, 2011-2012 йиллар мобайнида Қон хизмати маркази ва бўлимлари “Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш” лойиҳаси томонидан музлаткич, центрафуга, плазмофарез, коагулятор ва бошқа тиббий жиҳозлар билан таъминланди.



Давлатимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига қаратилган эътибор боис, мамлакатимизда бу йўналишда юқори натижалар қўлга киритилаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бу борада ҳам вилоятимизда муайян ишлар амалга оширилиб, соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келишига эришилмоқда.

Жумладан, туғруқ комплекслари ва туғруқхона бўлимларига “Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш” лойиҳаси асосида 2 млрд. 562 млн. сўмлик, лаборатория бўлимларига 93,4 млн. сўмлик жиҳозлар ажратилди. Қашқадарё вилояти ФҲДЁ бўлимининг никоҳ уйида туман хотин-қизлар қўмитаси, туман марказий шифохонаси ҳамкорлигида ёш йигит-қизларни оилага тайёрлаш, соғлом оилани шакллантириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ҳамда камол топиши ҳақидаги тушунчаларни ёшлар онгига сингдириш мақсадида “Ёш оила мактаби” ташкил этилиб, 25565 нафар йигит-қиз ўқитилди. Оналар мактабида 7181 та машғулот ўказилиб, 78 308 нафар ёш оналарга маҳорат дарслари ўтилди.

Юқоридаги фикрларимга хулоса қиладиган бўлсам, ҳақиқатдан ҳам 2013 йилда республика тиббиёт тизимида ютуқли натижаларга эришилганлигини давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шу билан бирга, мазкур йилимизни “Соғлом бола йили” деб эълон қилиб, биз тиббиёт ходимлари олдига янада катта вазифаларни юкладилар.

**Бу албатта, ҳар бир тиббиёт ходимига билдирилган юксак ишонч бўлиб, соғлом онадан соғлом болалар дунёга келиши ва келажаги порлоқ бўлган Ватанимиз янада равнақ топишида комил инсонларни етиштиришдан иборатдир.**

**Ибодат СОАТОВА.**

### Хабар

# ЯНГИ ДАВОЛАШ МАЖМУАСИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

***Янги йил байрами арафасида Андижон вилоятининг Қорасув шаҳар тиббиёт бирлашмаси даволаш корпусининг янги биноси фойдаланишга топширилди.***

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, янги тиббиёт муассасалари барпо этиш, уларни илғор ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида тиббий хизмат савияси юксалиб, мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий тиббиёт масканлари барпо этилаётир. Андижон вилоятининг чегара ҳудудларидан бўлган Қорасув шаҳрида қурилиб, фойдаланишга топширилган тиббиёт бирлашмасининг янги биноси ҳам ана шу йўналишдаги ишларнинг ёрқин намунасидир.

Уч қаватли янги бинода шошилинч тиббий ёрдам маркази, 65 ўринли шифохона, шаҳар тиббиёт бирлашмаси фаолият кўрсатади.



– *Умумий лойиҳа қиймати 2 миллиард 252 миллион сўм бўлган қурилиш ишлари сифатли ва ўз муддатида якунланди,* – **дейди туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Б. Комилжонов.** – *Даволаш корпусининг болалар, терапия ва жарроҳлик бўлимлари энг замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Натижада хасталикларни ўз вақтида ва тўғри аниқлаш ҳамда самарали даволаш учун катта қулайлик яратилган. Кенг ва ёруғ хоналарда шифокор ва беморлар учун барча шарт-шароит мавжуд.*

– *Бундай замонавий шароитлардан ғоят мамнунмиз,* – **дейди меҳнат фахрийси Расулжон Ғозибоев.** – *Инсон саломатлигини сақлаш борасида кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз.*

**Ўз мухбиримиз.**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади*

# РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК: СОҒЛОМ АВЛОД ГАРОВИ

***2013 йилнинг 27 декабрь куни Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг «Болалар ва ўсмирларнинг репродуктив саломатлиги – соғлом авлод гарови" мавзуидаги сайёр давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими, Адлия вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти масъул ходимлари, соғлиқни сақлаш соҳасидаги олий таълим ва илмий муассасалар олимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Фахриддин Раджабов кириш сўзи билан очиб, юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ, соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг янгича ёндашувлари ишлаб чиқилганлиги, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, мустаҳкамлаш борасида "Соғлом она – соғлом бола" ғояси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги, оила ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ҳамда маънавий баркамол авлодни шакллантириш бўйича олиб борилган ишлар ўз самарасини бераётганлигини эътироф этиб ўтди. Шунингдек, Президентимиз 2014 йилни **"Соғлом бола йили"** деб эълон қилганлиги, бу албатта, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларининг бири этиб белгиланганлигини, шу билан бирга, мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида янги босқичга олиб чиқиш имконияти муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Нурия Айтжанова "Ўзбекистонда болалар ва ўсмирларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга оид қонун ҳужжатлари ва бу соҳада ўз ечимини кутаётган масалалар ҳақида" атрофлича тўхталиб, бу борада ўз фикрларини баён этди. Тадбирда иштирок этган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилфуза Ҳасанова Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисмини болалар ва ўсмирлар ташкил этиши, хозирги кунга келиб, 14 ёшгача бўлган болалар сони 8.500.000 дан зиёд, 15-18 ёшдаги ўсмирлар эса 1.900.000 дан зиёдни ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантиришда болалар ва ўсмир қизларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати соҳага оид Давлат дастурларининг қабул қилиниши билан янада янги босқичга кўтарилганини алоҳида айтиб ўтди. Жумладан, тиббиёт олий ўқув юртлари, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва илмий-тадқиқот институтларининг етакчи ходимлари ва мутахассислари иштирокида мазкур дастурлар асосида мунтазам равишда фертиль ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларнинг 100 фоизини қамраб олган ҳолда, чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказилаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, у ўз маърузасида аҳоли, шу билан бирга ўсмир қизларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг репродуктив ҳуқуқлари, саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш бўйича билимларини ошириш мақсадида Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази ва унинг вилоятлардаги 13 та филиаллари ташкил этилганлигини қайд этиб ўтди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган "Соғлом она – соғлом бола" дастурини амалга оширишда болаларни, айниқса қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутади. Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ҳар бир маҳалла, ҳар бир оилага татбиқ этиш учун барча шароитлар яратилмоқда. Ўқувчи болалар ва ёшлар орасида "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари кенг оммалашди. Бугунги кунда республикада миллионлаб ўқувчилар спортга жалб этилмоқда, натижада 2005 йили мамлакатимизда мутлақо соғлом болалар 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 63,2 фоизни ташкил этди.

Тадбирда асосан болалар ва ўсмир қизларнинг репродуктив саломатлигини яхшилашда тўғри овқатланиш, микронутриент ва йод етишмаслигининг олдини олиш мақсадида "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида", "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши, аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш, микронутриент, йод етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган ҳолатларнинг олдини олишда ижобий самарасини бераётганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир иштирокчилари она ва бола репродуктив саломатлиги – соғлом авлод гарови эканлигини эътироф этиб, экологик номақбул ҳудудларда болалар гинекологияси ва эндокринологияси бўлимларини ташкил этиш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш, тиббиёт ходимларининг касбий маҳорати ва билимларини ошириш масаласига эътиборни кучайтириш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, болалар ва ўсмир қизларнинг гинекологик ва бошқа касалланиш кўрсаткичларини аниқлаш методикасини яратиш бўйича меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш, олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлик хизматини такомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, юқори технологияли ташхислаш ҳамда даволаш усулларини, шунингдек, профилактик чора-тадбирларни кенг татбиқ этиш йўли билан уларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

**Тадбир якунида иштирокчилар томонидан муҳокама этилган масалаларни умумлаштирган ҳолда "Соғлом бола йили" Давлат дастурига амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.**

**Ибодат СОАТОВА.**

*14 январь — Ватан ҳимоячилари куни*

# ҲАҚЛИ РАВИШДА ФАХРЛАНАМИЗ





***Юртимизда ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни мард, ўз юрти учун жонини фидо қиладиган ўғлонлар байрами сифатида кўтаринки руҳда нишонланади. Мана, ушбу байрамга ҳам саноқли кунлар қолди. Ҳозирда диёримизнинг кўплаб жойларида уни нишонлашга алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда. Бу борада турли тадбирлар, учрашувлар ўтказиб келинаётгани сўзимизга мисол бўла олади.***

Жумладан, 2013 йил 23 декабрь куни Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультетининг "Ватанпарварлар" махсус тарғибот-ташвиқот гуруҳи Чилонзор тиббиёт коллежида "Армия билан халқ – бир тану, бир жон" шиори остида учрашув ўтказди. Унда профессор-ўқитувчилар, талаба ва ўқувчи ёшлар иштирок этдилар. Тадбирни коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Малика Баратова кириш сўзи билан очиб, халқимизда, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар орасида ҳарбийлик касбига ҳурмат туйғусини янада кучайтириш борасида ўз фикрларини билдирди. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси юракдан ҳис қилиши керак бўлган, ҳаётимизнинг энг муҳим жабҳаларидан саналган ҳарбийлик соҳасининг нечоғлик машаққатли ва касб эканлигини алоҳида таъкидлаб, юртимизда уларга кўрсатилаётган эътибор, бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида батафсил сўзлаб берди. Шу билан бирга, учрашувда Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи Шавкат Ҳошимов ҳам иштирок этиб, Ватан ҳимоясига ўз ҳиссасини қўшаётган, шунингдек, ушбу йўлга отланган ўғлонларга – ўз халқи, ота-онаси, ука-сингиллари, шунингдек, аждодлари ҳоки ётган муқаддас тупроқни ҳимоялаш нақадар масъулиятли ҳамда шарафли вазифа эканлигини айтиб ўтди.

Тадбирда академия талабалари ва ўқувчи ёшлар ҳам фаол иштирок этиб, хизматни ўтаб қайтган акаси ва қариндошлари тўғрисида фахрланиб гапирдилар. Тадбир сўнгида Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети "Бир ёшда" номли видеофильмни йиғилиш қатнашчилари эътиборига ҳавола этиб, ҳарбий хонандалар ижросида Ватан мадҳи куйланди.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, осойишталигимизни муҳофаза қилаётган Ватанимиз посбонлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Чунки, бундай алп қоматли аскар ака-укаларимиз, қолаверса, соҳа мутахассислари юртимиз сарҳадларида туну кун хизмат вазифаларини чин дилдан бажараётган эканлар, юртимиз тинчлигига ҳеч қандай ёвуз кучлар раҳна сололмайди.**

Шаҳноза ИБРАГИМОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

*Благодарность*

## СПАСИБО ЗА ЗАБОТУ И УЧАСТИЕ

**В редакцию нашей газеты постоянно поступают письма с благодарностью врачам и всем медицинским работникам, которые пришли на помощь в трудные минуты жизни.**

**Е. Волкова,** пенсионерка, инвалид II группы, благодарит зав. отделением ортопедии II клиники Ташкентской медицинской академии М. Шорустамова за профессионализм и добросердечное отношение к пациентам.

**Т. Фазилова** рассказывает о врачах, которые сделали операцию на сердце ее внучке Камиле и тем вернули ей здоровье.

**Семья С. Филоктистовой** выражает глубокую признательность врачу-нейрохирургу Республиканского научного центра нейрохирургии Б. Саидову за успешно проведенную операцию, благодаря которой их мама вернулась к жизни.

**Ю. Чиркунов,** инвалид ЧАС, **Н. Митрофанов и другие пациенты** поздравляют с Новым годом гл. врача многопрофильной больницы № 5 Г. Кенжаеву, гл. врача семейной поликлиники № 54 Н. Юнусову и желают им успехов в труде.

**Е. Минасова** благодарит коллектив ташкентской поликлиники № 46 во главе с гл. врачом Д. Ибрагимовой за слаженный профессиональный труд, а также хочет отметить участковых врачей Г. Халипову, Ш. Гафурову и других за добросердечное отношение к пациентам.

*Саломатлик – туман бойлик*

# НАМУНАЛИ ХИЗМАТ, ЮКСАК МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

## *“Қибрай” клиник санаторийси шифокорларининг доимий шиоридир*

**Диёримизда зийнатли қиш фасли давом этмоқда. Бу фаслга меҳнат таътили тўғри келадиган кишилар ҳам борки, уларнинг ўз саломатлигини тиклаб олиши учун кўплаб даволаш муассасалари очиб қўйилган. Тошкент вилоятининг Қибрай тумани ҳудудида жойлашган “Қибрай” клиник санаторийси йилнинг барча фаслларидаги сингари қишда ҳам ўз мижозлари билан гавжум. Санаторийнинг кенг саҳнли ҳовлисида ёши улуғ онахонлару кўриниши тетик ва эпчил йигитлар сайр қилиб юрганини кўрасиз. Тўғрисини айтганда, ушбу даволаш масканида бир марта дам олиб кетган киши доимий мижозга айланади. Бунга сабаб нима, деган савол туғилиши табиий. Санаторийдан дам олувчиларнинг кети узилмайди, шанба ва якшанба кунлари муддати тугаганлар билан хайрлашилса, душанба куни яна худди шунча дам олувчи қабул қилинади. Хўш, бунинг сири нимада?**

Тошкент шаҳридан унчалик узоқ бўлмаган Дўрмон боғида жойлашган бу даволаш муассасасига кириб келган кишининг диққат-эътиборини кўкка бўй чўзган арча, чинор ва терак каби манзарали дарахтлар тортади. Кўп йиллар муқаддам экилган бу дарахтлар атмосферани тозалаш хусусиятига эга. Хиёбонлар бўйлаб айланиб юрган киши кўкрагини тўлдириб нафас олса, арча дарахтидан таралаётган мусаффолик баҳридилни очади. Иншоотнинг ташқи ва ички кўринишидаги ўзига хос дизайн, хоналарда яратилган қулай шарт-шароит ҳамда жиҳозлар, энг муҳими, даволаш бўлимида мижозларга енгиллик, руҳий тетиклик бахш этувчи муолажа усулларидан фойдаланилиши ва тиббий асбоб-ускуналарнинг қўлланилиши санаторийда хизмат қилаётган кўп сонли тиббиёт ходимларининг намунали фаолият кўрсатаётганидан далолат беради.

Санаторийда кардиология, неврология ва физиотерапия бўлимлари мавжуд. Даволанишга келган киши учун касаллик анкетаси очилиб, бемор врач қабулига юборилади ва унга зарурий муолажа усуллари кўрсатилган карточка берилади. Табиий даволаш усулларидан ташқари беморга зарурий дори-дармонлар ҳам буюрилади. Аксарият муолажа усуллари физиотерапия бўлимида амалга оширилади.

**Гулчехра ДАВЛЕТОВА,**
**физиотерапия бўлими мудири,**
**олий тоифали шифокор:**

– Санаторийимиз 70 ўринли бўлиб, асаб тизими, юрак қон-томирлари, эндокрин, жинсий аъзолар билан боғлиқ касалликларни турли усулларда давлош имконияти мавжуд. Катта тарихий йўл босиб ўтилгани учун бу ерда шифокорларимизнинг кўп йиллик тажрибалари умумлаштирилган ва кўпчилик томонидан ижобий баҳоланаётган муолажа усуллари сақланиб қолган. Бўлимимизда тор доирадаги барча мутахассислардан ташқари ўрта махсус маълумотга эга 20 нафар тиббиёт ходими, 11 нафар фаррош хизмат қилади. Бўлимда даволанувчиларга сув муолажалари, даволаш гимнастикаси, уқалаш, механомассаж, ингаляция, паст ва юқори частотали ток (дарсенваль, УВЧ, магнитотерапия, электрофарез), умуртқа поғонаси ва бўйинни компьютер ёрдамида торттириш, парафин-озокерит, гальвано-балчиқ билан даволаш усуллари тавсия қилинади. Врач тавсиясига биноан, эрталабки нонуштадан сўнг барча дам олувчилар ўз муолажаларини қабул қиладилар. Ҳар бир муолажа оралиғидаги вақтнинг 10-15 дақиқа бўлишини уқтирамиз. Чунки битта даволаш усули иккинчисига акс таъсир кўрсатмаслиги учун маълум вақт ўтиши керак. Даволаш жараёнида калорияга бой, сервитамин таом ва салат, сут маҳсулотлари, шифобахш гиёҳ ва дамламалар мижозларга тортиқ этилмоқда. Таомномани тузишда диетолог ҳар бир дам олувчининг касаллик турини инобатга олади. Масалан, қандли диабетга чалинган кишиларга парҳезбоп таом тавсия қиламиз. Артериал қон босими юқори беморларга ҳам ҳазм қилиниши осон бўлган биринчи ва иккинчи таом хилларини тавсия қиламиз. Дам олувчилар санаторий хиёбонлари бўйлаб, очиқ ҳавода сайр қилишлари мумкин.

Физиотерапия бўлимида хушмуомала, эпчил ва чаққон тиббиёт ҳамширалари меҳнат қилишади. Улар ўз зиммасига юклатилган вазифани адо этишга сидқидиллик билан ёндашадилар. Ҳамширалар орасида ўзининг ширинсуханлиги билан обрў-эътибор қозонган Зуҳра Йўлдошева парафин билан даволаш бўлимида фаолият кўрсатади.

– Тиббий мақсадда қўлланиладиган парафин шифобахш хусусиятга эгадир. Парафин-озокеритни санаторийимизда даволанувчилар ихлос билан қабул қиладилар. Оёқ ва бел оғриқларида, бўғимда тўпланган тузларни эритишда, модда алмашинувини яхшилашда парафиннинг таъсири катта. 48-52 даража иссиқликда қиздирилган парафин лотокдан олиниб, 15-20 дақиқа ичида совутилади ва 5 см. қалинликда мижознинг оғриган жойига қўйилади, – дея изоҳ беради бу қақда олий тоифали ҳамшира Зуҳра Йўлдошева. – Ўсма, ошқозон-ичак, қон босими, бачадон миомаси, юрак касалликларида парафиндан фойдаланиш мумкин эмас.

Сувда эриган тузлар, уни макон қилган микроорганизмлар, тупроқда яшовчи бактериялар, кўплаб ўсимликларнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган балчиқ лаборатория шароитида текширувдан ўтказилади. Унинг таркибида натрий, хлор, кальций, олтингугурт, темир, йод моддалари бор. Суюқлик тана куймайдиган даражада қиздирилади ва қалин пахта матога ўралиб, бир неча қаватлик латта устидан оғриган жойга қўйилади. Таянч ҳаракат аъзолари касалланганда, орқа миянинг қандайдир ташқи таъсир билан жароҳатланиши рўй берганда, жинсий аъзолар яллиғланишида, елка, бўйин остеохондрози, ҳозирги вақтда жуда кўп кишилар саломатлигига хавф солаётган умуртқа поғонаси чуррасида балчиқ билан даволаш ижобий самара беради. Гальвано-балчиқ қўйилганидан сўнг сиқилиб қолган нерв толаларининг ораси очилади, модда ва қон алмашинуви яхшиланади.

Азал-азалдан инсоният сув билан дўст бўлиб келади. Сув нафақат тириклик манбаи, балки даволаш хусусиятига эга бўлган мўъжизадир. “Қибрай” санаторийсида сув муолажалари учун алоҳида бўлма ажратилган бўлиб, бу ерга дам олувчилар навбат билан киритилади.

**Латофат ГУЛМИРЗАЕВА,**
**сув муолажалари бўлими**
**ҳамшираси:**

– Бўлимимизда барча дам олувчиларнинг саломатлигини тиклашда катта роль ўйнайдиган сув билан даволаш жараёни амалга оширилади. Муолажанинг бу усулида асаб тизимини тинчлантириш, тери остида пайдо бўлган туз ва ёғ қатламларини эритиш мумкин. Ҳозирча бу ерда марваридли ванна, сувости ваннаси ва циркуляр душ қабул қилинади. Марваридли ванна асаб касалликларида ижобий натижа беради. Бунинг учун ваннага тана куймайдиган ҳолатда сув тўлдирилиб, компрессор орқали ҳаво берилади. Сувга тўлдирилган ваннада киши организми учун зарурий термал сульфат-кальций, ишқорли натрий, азот каби маъданлар бор. Маъданли сув ваннасини қабул қилган кишида руҳий тетиклик кузатилса, циркуляр душ бўлими толиққан асаб тизимини қайтадан тиклайди. Марваридли ванна муолажасида пуфакчалар қайнаб чиқиб, тери қатламидаги асаб нуқталарига таъсир кўрсатилади. Кислородли ваннада эса трубка орқали баллондан $O_2$ юборилади. Юрак қон-томири касалликларида сув муолажасининг бу тури самара беради. Ҳар бир дам олувчига сув муолажалари 10-15 дақиқадан буюрилади. Циркуляр душда badaнга ҳар томондан сув урилади, бу ҳам тери остида пайдо бўлган ёғ ва тузларни парчалашда, асабни тинчлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Бўлим фаолиятини кенгайтириш мақсадида туркча, японча, фин услубида ҳаммом қурилмоқда.

Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино: “Агар инсон болалигидан бадантарбия машқларини муттасил бажарса, унга ҳеч қандай касаллик йўламайди”, деб таъкидлаганида минг карра ҳақ эди. Санаторийда дам олувчилар билан бадантарбия машқларини бажаришга катта эътибор қаратилмоқда. Соат 9 да бошланадиган аксарият машқлар қўл ва оёқларни ҳаракатлантириш орқали бажарилади. Шу тариқа бўйин, бел, оёқда қисилиб қолиб, оғриқ ҳосил қиладиган нуқталарга “ишлов” берилади. Масалан, ўқловни бўйин устида юргизиш столда ўтириб ишловчи касб эгалари – ўқитувчи, олим ёки врачларда келиб чиқадиган остеохондроз касаллиги оғриқларини бир мунча камайтиради.

Санаторийда ҳар куни соат 11 дан бошлаб фитобар ишлайди. Бу ерда дам олувчиларнинг даволаш жараёни шифобахш дамламалар ёрдамида янада тўлдирилади. Ўзини соғлом ва тетик ҳис қилса-да, барча кишилар организмида кислород етишмовчилиги кузатилади. Бош оғриғи, эсноқ, уйқусизлик каби муаммолар шунинг ортидан келиб чиқади. Бу муаммоларни бартараф этишда шифобахш хусусиятига эга бўлган дамламаларни ичишнинг ижобий самараси бор. **Бу ҳақда фитобар ҳамшираси Юлдузхон Низомова шундай дейди:**

– Баримизда 8 хилдаги шифобахш дамлама тайёрланади. Дорихоналардан келтирилган бу дамламалар тинчлантириш, сийдик ҳайдаш, ошқозон-ичак йўлларини тозалаш хусусиятига эга. Дўлана дамламаси организмнинг шамоллаш ва юқумли касалликларга нисбатан бардошлилигини оширади. Наъматак дамламасида турли антиоксидантлар мавжуд бўлиб, организмдаги ҳар хил токсин моддаларнинг чиқиб кетишига замин ҳозирлайди. Кислородли кўпик эса ҳар бир кишида рўй берадиган кислород етишмовчилигини бартараф қилади. Кўпинча ванна ва душ қабул қилинганидан сўнг дамламаларни ичиш тавсия этилади. Чунки сув муолажаларидан сўнг одам бўшашади, организмнинг қисқа вақт ичида ўз қувватини тиклаб олишида шифобахш чойлар ёрдамга келади.

Даволаш муассасасида дам олганлар мамнуният билан ўз оилалари бағрига қайтишади. Кимдир 10, яна биров 12-14 кунга дам олиб, саломатлигини тиклаш учун келади. Энг муҳими, бу ердаги тозалик-озодалик, саранжом-саришталик, юқори муомала маданияти, намунали хизмат ҳар бир дам олувчининг дид ва эҳтиёжларига мос тушади. **Ушбу даволаш муассасасининг доимий мижозларидан бири Севара Икромованинг фикри мисолида бунга яна бир карра амин бўлиш мумкин:**

*– Бу ерда дам олган дастлабки йилларимни яхши эслайман. Ҳовлидаги арча дарахтлари 1-1,5 метр эди, ҳозир улар 9-10 метрга етган. Санаторийга 15 йилдан бери деярли ҳар йили келиб, соғлигимни тиклаб кетаман. Бошқа санаторийларга нисбатан бу ер менга тинч ва осойишта туюлади, шаҳардан ташқарида, хизматлари аъло даражада. Шифокор ва тиббиёт ходимларининг хушмуомалалиги бизни хурсанд қилади, дардимизни, шахсий муаммоларимизни унутамиз. Оилавий ҳаётда устма-уст мусибатларга дуч келиб, гипертония касаллигига чалинганман. Бу гал мени невропатолог Гулнора Мавлонова даволаяпти. У зарурий уколлар билан бир вақтда, турли муолажа хилларини менга тавсия қилди. 10 кунлик даволанишдан сўнг оила аъзоларим бағрига қайтдим.*

**Дарҳақиқат, «Қибрай» санаторийси кўп сонли жамоасининг ана шундай савобли ишларида улкан зафарлар тилаб қоламиз.**

**Ҳулкар КУЗМЕТОВА.**

## *Дил изҳори*

Мени икки йилдан буён юрак хасталиги безовта қилади. Хуруж бўлиб қолса, оила аъзоларим зудлик билан пойтахтимиздаги шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасига келтиришади.

Клиниканинг кардиология бўлимида даволанадиган беморлар учун барча шароитлар яратилган. Қолаверса, бўлим мудири Зулайҳо Миртожиева ва бошқа тиббиёт ходимларининг очиқчеҳралиги ва самимийлиги беморлар учун энг катта малҳам бўлмоқда. Айниқса, Зулфия Шотурсунова, Мунира Шовалиева, Илёс Жўраев каби шифокорларнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир. Дори-дармони эмас, балки ширин муомаласи билан инсон кайфиятини кўтариб, кўнглидаги ғашликни тарқатиб юборадиган шифокорлардан миннатдор бўлмаслигимиз, уларга раҳмат айтмасликнинг иложи йўқ. Улар ҳеч қачон эл назаридан қолмасликларини тилаймиз.

**Бир гуруҳ беморлар номидан**
**Малика МАҲМУДОВА.**
**Тошкент шаҳри.**

Актуальная тема

# ОКРУЖАЮЩИЙ МИР ДОЛЖЕН ВИДЕТЬ КАЖДЫЙ ЧЕЛОВЕК

***Много веков назад выдающийся ученый, “академик академиков” Абу Али Хусайн ибн Сино – Авиценна сказал: “Есть три средства для того, чтобы вылечить больного: при помощи слова; снадобий, приготовленных из трав, и третье средство – нож”. Под ножом великий врачеватель имел ввиду оперативное вмешательство.***

Да, в настоящее время медицина шагнула столь далеко, что при помощи новейшего оборудования и установок можно провести любые операции на любой орган человека и вернуть больного к активной жизни. Все это для нас стало привычным явлением. При производстве лекарств используются различные травы. Народная медицина, используя эти же травы, достигает невиданных результатов. Авиценна на первое место поставил слова, акцентируя важность слова в лечении больных. А как обстоит дело со словом в медицине XXI века?

